БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 292 (3793)
23 ШАНБА ДЕКАБРЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• *Зарбдор йилга—зарбдор якун*

ИШ СУРЪАТИ ОШМОҚДА

Пойтахтимиздаги геология қидирув заводи мамлакатимизнинг барча иттифоқдош республикаларига геология қидирув ускуналари учун эҳтиёт қисмлар, асбоблар етказиб бермоқда. Ускуналарни тайёрлаш ва ремонт қилишда корхонада иш суръати жадаллашди. Ўнинчи беш йилликнинг уч йили топшириғини муддатидан илгари бажарган илғор коллектив бир ойдан буён келаси йил ҳисобига маҳсулот бермоқда.

Зарбдор йилнинг тежалган қунларида маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализацияси бўйича 1979 йил учун белгиланган маррага эришиш мажбурияти қабул қилинган. Бу мажбурият ҳам ҳозирда шарафли адо этилмоқда.

БУГУН

корхонанинг планга қўшимча реализация қилган маҳсулотлари 130 минг сўмдан ошиб кетди.

Корхона учун яна бир қувончли воқеа— бу ерда ишлаб чиқарилаётган 1ДРШ— 151МС ускунасига давлат Сифат белгиси берилганлиги бўлди. Ана шу ускунанинг корпусини тайёрлашда аниқ штамповканинг жорий этилганлиги бир неча ишчидан бошқа ишларда фойдаланиш ҳамда йилига 2,5 минг сўм иқтисодий фойда олиш имконини берди.

Корхона коммунистлари ҳар соҳада ташаббускорлик кўрсатишяпти. Зарбдор йилда энг яхшиларнинг яхшилари бўлган инженер-техник ходимлардан — инженер конструктор Ю. Скатков, инженер механик Г. А. Клочкова, хизматчилардан — В. А. Долматов, К. И. Малий, Н. С. Орловлар номини фахр билан тилга олиш мумкин. Шахсий беш йиллик топшириқларини СССР Конституциясининг бир йиллигида бажарган ишчилар— токарлардан С. Мақсумов, В. Каримов, М. Содиқов каби ўнлаб ишлаб чиқариш машъаллари коллектив фахри бўлиб қолмоқда.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● «Республика шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг санитария аҳволини ва ободончилигини янада яхшилаш борасида халқ депутатлари Советларининг вазифалари тўғрис и д а» Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори эълон қилинган.

● 21 декабрь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида ҳукумат мукофотларини топшириш мар о с и м и бўлди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузуридаги тўртинчи бош бошқарма марказий поликлиникасининг врачи Валентина Александровна Распоповага Ленин ордени ҳамда Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг «Уроқ ва Болға» олтин медалини топширди.

Соғлиқни сақлаш ва қурилиш ташкилотлари ходимларидан бир группасига СССР орден ва медаллари топширилди. Улар меҳнатдаги катта муваффақиятлари учун ана шу орден ва медаллар билан мукофотландилар.

● Горький номли Тошкент Давлат рус академик театрининг артисти М. Ф. Мансуровга СССР Олий Совети Президиумининг унга СССР халқ артисти унвони берилганлиги тўғрисидаги ёрлиғи топширилди.

XXII ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ



СУРАТДА: XXII Тошкент шаҳар партия конференциясининг мажлислар залида.

ЖАНГОВАР ҲАРАКАТ ПРОГРАММАСИ

Бугун Тошкент шаҳар партия комитетининг мажлислар залида XXII шаҳар партия конференцияси ўз ишини тугаллади.

Конференцияни Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари **А. А. Хўжаев** очди. Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари **К. П. Дудин** шаҳар партия комитетининг ҳисобот докладини қилди. Тошкент шаҳар партия ташкилоти ревизия комиссиясининг раиси **Т. О. Орипов** ревизия комиссиясининг ҳисобот докладини қилди.

Делегатлар докладлар муҳокамасида актив иштирок этдилар. Сўзга чиққан ўртоқлар пойтахт партия ташкилотлари, меҳнат коллективларининг КПСС XXV съезди қарорларининг ўнинчи беш йиллик планларининг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш бўйича олиб бораётган ишлари ҳақида гапирдилар, пойтахт меҳнаткашларининг барча соҳалардаги ишларида коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш лозимлигини таъкидладилар. Ҳисобот докладида, сўзга чиққан делегатларнинг нутқларида социалистик мусобақани янада авж олдириш, илғор тажрибаларни, новаторларнинг ажойиб ташаббусларини кенг ёйиш, ишлаб чиқаришнинг янги резервларини излаб топиш ва ундан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Ленин район партия комитетининг биринчи секретари **И. И. Федоринов**, «Миконд» заводининг ишчиси **Т. М. Богдашкина**, В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори **В. Н. Сивец**, трактор заводининг ремонтчи слесари **Н. И. Лоскутова**, «Главташкентстрой» бошлиғи **Т. Н. Набиев**, тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари **А. Ф. Файзуллаева**, Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари **Ш. Т. Нусратов**, «Ташсельмаш» заводи токари **Ю. И. Степаненко** ва бошқа делегатлар конференция минбаридан ана шу ҳақда гапирдилар.

Коммунистлар партиямизнинг ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитетининг фаолиятини, унинг оламшумул коммунист-ленинчи ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюроси фаолиятини қизғин маъқулладилар. Делегатлар КПСС Марказий Комитети ноябрь (1978 йил) Пленуми қарорларини, Тошкентнинг барча коммунистлари, барча меҳнаткашларининг бундан сўнг жанговар ҳаракат программаси бўлиб қоладиган Леонид Ильич Брежневнинг ана шу Пленумда сўзлаган нутқини атрофлича муҳокама қилдилар.

Конференция шаҳар партия комитетининг ҳисобот доклади юзасидан резолюция қабул қилди. Унда шаҳар партия ташкилотларининг конкрет вазифалари белгиланган бўлиб, Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг фаолияти қониқарли деб топилди, шаҳар партия комитети ва ревизия комиссиясининг янги таркиби сайланди.

Конференцияда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** нутқ сўзлади.

Конференция ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар **И. Г. Анисимкин, И. Р. Қурбонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова** иштирок этдилар.

Конференция иши ҳақидаги батафсил ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади.

• *Сўз—делегатларга*

БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИ

Вера Ивановна СОЛДАТОВА,
тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси.



— Ўнинчи беш йилликка қадам қўяр эканман, «Бир беш йилликда — икки беш йиллик» ташаббусининг ижодкори сифатида социалистик мусобақани бошлаб бердим. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш учун ҳар бир имкониятдан фойдаланяпман. Цехда эски дастгоҳларни ўзгартириш ишлари бошланганда бир четда бекор турган станокларни ишга туширдим. Ўзимнинг станокларга хизмат кўрсатиш зонамни 56 та станоккача, кейинчалик эса станоклар сонини 64 тага етказдим. Ана шундай зичликда узоқ муддат муваффақиятли ишладим.

Комбинатда биринчилар қатори шахсий беш йиллик топшириқни, сўнгра эса олти йиллик топшириқни бажардим. Пландан ташқари 1 миллион метр сурп тайёрладим.

Менинг янги мажбуриятим: беш йилликда ўн икки йиллик ишлаб чиқариш нормасини бажармоқчиман.

ТЕЖАЛГАН ЁҚИЛҒИ ҲИСОБИГА




Аббос Тўраевич ТУРСУНХЎЖАЕВ,
Тошкент тепловоз депосининг машинисти.

— «Беш йиллик — тўрт йилда» шиори остида ишлаяпман. Тепловозни моҳирона бошқариш, ёқилғидан тежаб-тергаб фойдаланиш ва тежамкорлик имкониятларини қидириб топиб, ишга солиш туфайли бир йил мобайнида тежалган ёқилғи ҳисобига бир ой ишлайман. Айни кунларда мен ўз анъанамга содиқ қолиб, йил давомида тежаб қолган ёқилғи ҳисобига оғир составли поездни бошқаряпман.

Беш йиллик бошидан буён пландан ташқари 50.000 тонна халқ хўжалиги юкларини ташиб бердим. Бу 15 та юк поезди, демакдир. Ҳозирги кунда менинг шахсий календаримда 1979 йилнинг сентябрь ойи давом этяпти. Барча куч ва имкониятимни қабул қилган социалистик мажбуриятимни муваффақиятли бажаришга қаратмоқдаман.

ЎҚИШ БИЛАН МЕҲНАТ ҲАМОҲАНГ

Ў. О. ОРИПОВ,
ТошМИ ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.



Олий ўқув юртимизнинг асосий вазифаси бошқа олий ўқув юртларининг вазифаси сингари юқори малакали мутахассислар, ҳар соҳада олдинги маррада туриб ишлаш қобилиятига эга бўлган кишиларни тарбиялашдир. Составида 90 га яқин профессор, шу жумладан СССР Медицина Фанлари академияси ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 5 нафар академиги ва муҳбир аъзолари бўлган профессор-ўқитувчилар коллективи бўлажак мутахассисларни тарбиялаш жараёнини студентларнинг фан асосларини чуқур эгаллаш, ижтимоий фанларни жиддий ўрганиш, ташкилотчилик хислатларини шакллантириш, ғоявий-етук кишилар қилиб тарбиялаш иши билан қўшиб олиб боришмоқда. Бўлажак врачлар илмий-тадқиқот ишларида фаол иштирок этишмоқда, ижтимоий касблар факультетида шуғулланишяпти. Учинчи меҳнат семестрида эса улар қурувчилик ва шифокорлик вазифасини бажаришяпти.

Тошкент Давлат медицина институтининг 6500 дан зиёд студент ва ўқитувчилари шу йилнинг кузида Жиззах областининг Пахтакор районидаги Кичанов номли ва «Самарқанд» совхозларида меҳнат қилишди. Пахта йиғим-терими даврида улар 7000 тоннага яқин ҳосилни хирмонга тўкишди. Студентларимиз медицина фанларини ўрганишни жамоат ва меҳнат фаолияти билан қўшиб олиб бориб, Ўрта Осиёдаги энг кекса медицина олий ўқув юрти кекса авлодининг энг яхши анъаналарини давом эттиришмоқда.

СССР ХАЛҚ АРТИСТИ МУКАРРАМА ТУРҒУНБОЕВАНИНГ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мукаррама Турғунбоеванинг республикада хореография санъатини ривожлантиришдаги катта хизматларини назарда тутиб, жамоатчиликнинг истакларини инобатга олиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети унинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган «Баҳор» давлат халқ рақс ансамблига, Фарғона шаҳридаги 4-музика мактабига, Тошкент шаҳридаги кўчалардан бирига Мукаррама Турғунбоева номи берилди.

Тошкент шаҳар ижроия комитетига Мукаррама Турғунбоеванинг қабрида бюст ўрнатиш топширилди.

ЭНЕРГЕТИКЛАР БАЙРАМИ

Тошкент жамоатчилиги Энергетиклар кунини нишонламоқда. 22 декабрь куни Тошкентда ана шу профессионал байрамга бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Мажлисда ишлаб чиқариш илғорлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ТУРОБ ТЎЛА (ТУРОБ ТЎЛАХЎЖАЕВ)ГА «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ёзувчи **Туроб Тўла (Туроб Тўлахўжаев)га** «Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1978 йил 22 декабрь.
Тошкент шаҳри.



СУРАТДА: конференция делегатларидан бир группаси. М. Нуриддинов ва С. Маҳкамов фотолари.

Илғорларга тенглашиб

«Строймеханизация» трестининг 1-механизацион бошқармаси коллективи телевизион минора қурилишида пойдеворни кавлаш ишларини олиб бормоқда. Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Ш. Зоитов бошчилик қилаётган экскаваторчилар экипажи социалистик мусобақага файз киритмоқда.

Техника ҳисобларига кўра бу ерда 300 минг кубометр тупроқ қазиш ишларини беш экскаваторчидан иборат экипаж бир йил давомида амалга ошириши лозим эди. Механизация бошқармасининг коллективлари ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбурият қабул қилиб, ана шу ишларни икки экипаж билан қисқа муддатда бажаришга аҳд қилдилар. Сентябрь ойидаёқ Ш. Зоитов ва Р. Саматов, Ғ. Эшганов ва А. Жанизаковлардан иборат экипажлар ана шу топшириқ бажарилганлиги ҳақида ғалаба рапортини бердилар. Ҳозирги пайтда бу коллективлар 1979 йилнинг иккинчи ярми ҳисобига меҳнат қилишмоқда. Бошқарманинг барча коллективи илғорларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлади. Беш йилликнинг уч йили планига қўшимча равишда яна 300 минг сўмлик механизация ишлари бажарилишига аҳд қилинди.

• *Шарҳчи сатрлари*

ПОРТУГАЛИЯ ОҒИР ДАВР АРАФАСИДА

Лиссабонда ёз пайтидан бери давом этаётган ҳукумат танглиги энди расмий равишда ҳал этилди: республика мажлиси узоқ давом этган мунозаралардан кейин Мота Пинту бошчилигидаги янги ҳукумат программасини зўрға маъқуллади. Ҳукуматнинг 1980 йилгача бўлган даврдаги тақлифларини фақат социал демократлар ва марказчилар маъқулладилар. Коммунист депутатлар қарши овоз бердилар ва ҳукуматга ишончсизлик билдириш тўғрисидаги резолюцияни таклиф қилдилар. Аслини олганда янги ҳукумат социалистлар партиясининг позицияси натижасидагина ҳокимият тепасида қолди. Социалистлар партияси муддатдан илгари сайлов ўтказилган тақдирда сайловчиларнинг илгариги берган овозини сақлаб қолишларига ишона олмай, янги ҳукумат учун овоз беришда бетараф қолдилар.

Португалия меҳнаткашлари ҳозирги ҳукумат программасидан нима учун норози эканликларини билиш учун унинг программасини анализ қилиб чиқиш кифоя. Меҳнаткашларга яна кўпроқ қийинчиликларга бардош бериш, ҳақиқатда мамлакат ишчилар синфининг 1974 йилги апрель революцияси натижасида эришган муҳим ғалабаларидан маҳрум бўлиш таклиф этилмоқда. Программа «қаттиқ тежаш» сиёсати давом эттирилади, деб эълон қилинади. Миллий экономиканинг хусусий секторини зўр бериб рағбатлантириш, «Ер ислоҳоти асослари тўғрисида» деган аслида реакцион қонунни актив амалга ошириш кўзда тутилади. Бу эса илгари мусодара қилинган ерларни уларнинг собиқ эгаларига тамомила қайтариб беришни билдиради, меҳнаткашларнинг иш ташлаш ҳуқуқи чекланади.

Янги ҳукуматнинг ички сиёсат йўлини ҳозиргининг ўзидаёқ жуда равшан тасаввур қилиш мумкин. Прогрессив партиялар ва биринчи навбатда Португалия Компартияси шаънига ҳуруж қилиш учун ҳар қандай баҳонадан фойдаланилмоқда.

Уз навбатида коммунистлар ҳам янги ҳукуматнинг составини, иш планини кескин танқид қилмоқдалар, унинг программаси ишчиларга ва халққа қарши қаратилган сиёсатни акс эттиради, деб ҳисобламоқдалар. Португалия Компартиясидан сайланган депутатлар парламентдаги мунозаралар вақтида Мота Пинтунинг очиқданочиқ ўнг кабинети Португалия олдида турган кескин ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий проблемаларни ҳал этиш у ёқда турсин, балки уларни янада кўпроқ даражада чуқурлаштиради, мамлакатда ижтимоий низоларни ҳамда вазиятни кескинлаштиришга сабаб бўлади, деб таъкидладилар.

Ҳатто собиқ бош министр М. Соареш бошчилигидаги социалистлар ҳам ҳукуматни «социалистлар партиясига маъқул бўлмаган ва маъқул бўлиши гумон консерватив ҳукумат» бўлиб, халқнинг сайлов чоғида билдирган хоҳиш-иродасини акс эттирмайди, деб айтди. Социал демократлар ва марказчилар ҳам ҳукуматдан анча узоқлашдилар. Мана шунинг учун ҳам Лиссабондаги ҳукумат танглиги ҳали узил-кесил ҳал этилганича йўқ ва Португалия сиёсий жиҳатдан янги, жуда оғир давр арафасида турибди, деб айтиш учун ҳамма асослар бор.

Е. БАБЕНКО,
ТАСС обзорчиси.

• *Партия ахбороти*

ЁШ КОММУНИСТЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

КПСС Марказий Комитетининг «Қирғизистон партия ташкилотларининг партияга қабул қилиш ва КПСС аъзолигига кандидатларни тарбиялаш соҳасидаги иши тўғрисида» қарори Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи партия комитетининг ёш коммунистлар билан ишлашида дастуриламал бўлмоқда.

Бу йил йигирма илғор ишчи, беш йиллик зарбдорлари КПСС аъзолигига кандидатликка қабул этилди. 21 киши эса КПСС аъзолигига ўтди.

Корхона партия комитети ёш коммунистлар сафи йил сайин ўсиб бораётганини ҳисобга олиб «Ёш коммунистлар мактаб»ини ташкил этди. Унда машғулотлар мунтазам, қизиқарли олиб борилянти. 40 дан зиёд ёш коммунист ана шу мактабда таълим олмоқда.

САМАРАДОРЛИК— ЭЪТИБОРДА

Тошкент трактор заводида «Иш вақти самарадорлигини ошириш ва социал-маиший масалаларни оператив ҳал этиш» штаби иш бошлади. Штаб составига корхона партия комитети секретари, халқ назоратчилари, кўп нусхали газета редакцияси ходимлари ва бошқа мутахассислар, актив коммунистлар киритилган.

Штаб ишига корхона директорининг ишлаб чиқариш масалалари бўйича ўринбосари В. А. Беляев бошчилик қилмоқда.

Штаб иши вақтивақти билан корхона партия комитетида муҳокама этиб борилади. Оператив маълумотлар «Чақмоқлар»да ёритилади. Айниқса 29-термоцех, 2 ва 26-механика цехларида иш вақтидан фойдаланиш яхши йўлга қўйилган. Аммо 7-механика, 18-автоматлаштириш цехларида штаб амалга ошириладиган вазифалар анчагина бор.

Партком штаб фаолиятини йўналтириб бормоқда.

Ноябрь Пленуми қарорлари—амалда

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

КПСС XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1978 йил) Пленуми қарорларини изчиллик билан амалга ошириб бораётган Ўрта Осиё темир йўлининг Тошкент бўлинмаси коллективи ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва илғор техника жараёнларини жорий қилиш бўйича катта ишларни амалга оширмоқда.

Шумилов станциясида катта юк ташиш қувватига эга бўлган контейнерларга ишлов бериш майдончаси фойдаланишга топширилди. Бу станцияда юқори юк кўтариш қувватига эга бўлган электр кранлар ва юк тушириш мосламалари қурилди. Ангрен станциясида эса ўрта ҳажмдаги контейнерларга хизмат кўрсатувчи янги майдон қурилди. Кўтарма кранлардан самарали фойдаланиш мақсадида бир вақтнинг ўзида икки контейнердан юк тушириб олувчи мослама жорий қилинди. Шунингдек, бу ерда вагонлардан юкларни тушириб олишда қўлланиладиган бошқа ускуналар ҳам жорий қилинди.

Тошкент тепловоз депосида янги ҳўжалик тайёрлаш цехлари комплекси барпо этилди. Шунингдек, аккумуляторли батареяларни ремонт қилувчи поток линия ишга туширилди. Ремонт-экипировка участкаси янги жиҳозлар билан тўлдирилди. Янги «Ўзбекистон» мотор-вагон депоси фойдаланишга топширилди. Бу ерда эскирган ғилдиракларни локомотивлардан ажратиб олинмаган ҳолда А—41 дастгоҳи ёрдамида ремонт қилинмоқда. Шунингдек, электр двигателларининг коллекторларини созлаш ва ремонт қилиш ишлари ҳам локомотивдан ажратиб олинмаган ҳолда бажарилянти. Тепловозларнинг электр двигателларини тез қуритишга хизмат қилувчи ҳаракатланувчи мослама, подшипниклар ва ғилдиракларни тиғизловчи якорларини жорий ремонтдан чиқарувчи махсус мослама ўрнатилди.

Тошкент товар депосида ўнинчи беш йилликда ғилдиракларни ремонт қилувчи янги цех ишга туширилди. Бу ерда подшипникларни ремонт қилувчи поток линия ишлаб чиқилди ва жорий қилинди. Ҳозир бу ерда аккумуляторли батареяларнинг резинали ёпқичларини гидравлик усулда синовдан ўтказувчи стенд жорий қилинди. Шунингдек, вагонларнинг тортиш механизмларини механизация ёрдамида ҳаракатга келтирувчи мослама ишлаб турибди. Ғилдиракларни бир цехдан иккинчи цехга олиб келиш автоматик линия ёрдамида бажарилмоқда. Бу линия 90 — 180 градусга бурилиш қобилиятига эга бўлган мосламалар билан жиҳозланган. Шунингдек, унда ҳаво ёрдамида ҳаракатга келувчи мосламалар ҳам бор. Иккинчи вагон депосида пассажир вагонларининг генератор ва электр жиҳозларини синовдан ўтказувчи махсус стенд ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Бу стенд ёрдамида вагонларни жуда тез кўрикдан ўтказиш ва нуқсонларни бартараф қилиш мумкин. Стендни жорий қилиш натижасида вагонларни ремонт қилинадиган жойга келтириш ва чиқариш учун сарф қилинадиган вақтни тежашга имкон яратилди.

Тошкент энергия таъминоти участкаси ходимлари томонидан Қизил Тўқимачи станциясида электр ускуналарини реконструкция қилиш вақтида фойдаланиладиган янги технологик жараён ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Бу монтаж ишлари учун сарфланадиган вақтни жиддий қисқартириш имконини берди.

Ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш, илмий техника тараққиёти ютуқларидан унумли фойдаланишда коммунистлар ўрнак кўрсатишмоқда. Жумладан, Тошкент темир йўл бўлинмаси ходимларидан Р. Каримов, И. Гирилар, А. Бадаев ва Ф. Мельниковлар билан ҳамкорликда Келес станциясида сув тортиш ишларини тезлаштиришга хизмат қилувчи таклифни ўртага ташлади. Таклиф жорий қилиниши натижасида йилига 15.7 минг сўмлик электр энергиясини тежаб қолиш имкони вужудга келди. Коммунистлар транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш масалаларига ҳам ижодий ёндошмоқдалар. Жумладан, темир йўл бўлинмаси бошлигининг ўринбосари З. Олимжонов «Главташкентстр о й» ходимлари билан ҳамкорликда С. Раҳимов станциясида қўлланилаётган стационар компрессор ўрнига маневрли локомотивлардан қўлланишни таклиф қилди. Бу юк туширишда қўлланилади. Таклифнинг жорий қилиниши танқис ҳаракатдаги составларнинг бекор туриб қолишини камайтирди ва вагонларни эксплуатация қилиш учун сарфланадиган харажатларни 17,3 минг сўмликка камайтириш имконини берди.

Юк бўлимида меҳнат қилаётган коммунистлардан Н. Стрельцов, Э. Олимжонов ва М. Шипиловлар тўрт ғилдиракли платформаларга темир-бетон блокларини юклашнинг янги усулини таклиф қилишди. Бу таклифдан йилига 14.7 минг сўмлик иқтисодий фойда олинмоқда.

Ю. ПЕРЕЛЬМАН,
Тошкент темирйўл бўлинмасининг бош инженери.

А. СЕМЕЧКИН,
план-техника-иқтисод бўлими бошлиғининг ўринбосари.

ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Мажбуриятлар изидан

«Главташкентстрой»нинг 3-трести билан 159-трести, II-«Висотстрой» трести билан 8-трести ўртасидаги социалистик мусобақа

ҚОЛОҚЛИККА БАРҲАМ БЕРИБ

«Зардбор йилга — зардбор якун». «Главташкентстрой»нинг бинокорлик ташкилотлари 1978 йилнинг тўртинчи кварталида ана шундай шиор остида социалистик мусобақани қизғин авж олдиришмоқда. Кўпгина трестлар юқори кўрсаткичларни қўлга киритяпти. Қурилиш ишларининг муддатлари ва таннархини камайтириш, қурилиш-монтаж ва пардоз ишларининг сифатини ўстиришга муваффақ бўлиняпти.

XXII шаҳар партия конференциясини муносиб кутиб олиш учун меҳнат беллашувлари янада авж олди. Бинокор коммунистлар ноябрь-декабрь ойларида энг яхши кўрсаткичларга эришиш ташаббуси билан чиқишди. Кўплаб бригадалар 1978 йил ва беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажардилар.

Масалан, 3-қурилиш тресги 23-қурилиш бошқармасининг экскаваторчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери Леонид Дмитриевич Проскурин шу йилнинг сентябрь ойида олти йиллик топшириқни бажарди. Иккинчи беш йиллик планини ҳам муддатидан илгари ado этиш учун ғайрат билан ишламоқда. 3-қурилиш трестининг мусобақадоши 159-қурилиш трестида ҳам илғорлар кўп. Т. Самиғов ва Р. Ғайибуллин бош бўлган бригадалар беш ва олти йиллик топшириқларини ado этишди. Новаторлар сафининг ўсиши натижасида мусобақадош трестлар юқори иш маромини сифатига эришишяпти. 159-қурилиш трести ўн бир ойлик бош пудрат ва ўз кучлари билан иш бажариш топшириғини ошириб ado этди. Пил бошидан буён яна учта бригада хўжалик ҳисобининг бригада пудрати методи бўйича ишлашга ўтказилди.

Кўрсаткичлар жадвалидан кўриниб турибдики, мусобақадош коллективлар айрим техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича қолоқликка ҳам йўл қўйишган. Қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари партия касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳар бир қурувчи, бригада ва бошқарма зиммасидаги юксак мажбуриятларини шараф билан ado этишлари учун шарт-шароитларни яратишлари керак.

* * *

11-«Висотстрой» трести коллективи ўн бир ойлик бош пудрат ишлари планига қўшимча бир неча юз минг сўмлик қурилиш ишларини бажарди. Фақат маҳаллий Советлар объектлари қурилишидагина планга қўшимча 3 миллион сўмликдан зиёд бинокорлик ишлари ado этилди.

Пойтахт саноат корхоналари беш йилликнинг учинчи йили плани бажарилганлиги ҳақида рапорт бераётган шу кунларда қурувчилар янада шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. 1-қурилиш бошқармасининг П. Сачко, В. Суханов, В. Суховой бошлиқ комплекс бригадалари тез ва сифатли ишлашда барчага ўрнак кўрсатишяпти. Улар авиасозларнинг маданият Саройи бир қатор маъмурий объектлар қурилишида графикдан ўзиб ишлашяпти.

8-қурилиш трести ҳам январь—ноябрь ойларида яхши кўрсаткичларни қўлга киритди. Трест бошлиқларининг айтишларига қараганда, агар ёрдамчи пудратчилар ва таъминотчилар яхши ишлаганларида янада катта марраларни эгаллашлари мумкин экан. Ёрдамчи пудратчиларнинг яхши ишламаётганлиги ва қурилиш механизацияси трести Биринчи Май кўчасида туғруқхона биноси қурилишида ер қазиш ишларини бир йилдан буён тугалламаётганлиги ҳам исботлаши мумкин.

«Марказ» — 14» кварталида турар жой, К. Маркс кўчасидаги поликлиника бинолари қурилишида материаллар ўз вақтида етказиб берилмаяпти. Поликлиника қурилишига лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаб берилгани йўқ.

Бу камчиликлар 1978 йилда ишга тушириладиган объектларда қурилиш ишларининг яхши ташкил этилмаслигига, айрим объектларда қурилиш ишлари графиклари бузилишига олиб келмоқда. Трест объектларида меҳнат қилаётган ёрдамчи пудратчилар ўз ишларида бурилиш ясашлари, таъминот масаласи яхшиланиши керак!

1978 йил январь— ноябрь ойлари асосий кўрсаткичлари	Қурилиш трестлари: 3	159	11-«Висотстрой»	8
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши (процентларда)				
а) бош пудрат бўйича	100,0	110,5	110,1	102,1
б) ўз кучлари билан	84,1	104,3	113,9	112,5
Иш ҳажмининг ўсиш суръатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда)				
а) бош пудрат бўйича	97,0	95,2	92,0	112,9
б) ўз кучлари билан	77,5	101,8	115,7	117,8
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари	76,8	91,7	100,5	99,3
Меҳнат унумдорлигининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиши	79,4	96,8	108,2	115,1
Планни бажармаган бошқармалар				
а) бош пудрат бўйича	2	2	2	—
б) ўз кучлари билан	5	1	1	—
Уй-жой қурилиши планининг бажарилиши (процентларда)	76,6	96,8	58,6	76,1
Мактаблар қурилиши планининг бажарилиши (процентларда)	—	106,3	—	175,3
Мактабгача болалар муассасалари қурилиши планининг бажарилиши	10	106,2	48,0	97,2
Маҳаллий Советлар объектлари қурилиши планининг бажарилиши	117	89,5	195,0	94,0
Йил бошида фойдаланишга топширилган объектлар сони	21	29	29	11
Ўртача баҳоси (балларда)	3,3	4,39	4,05	4,0
Бригада пудрати методи бўйича ишлаётган бригадалар сони	24	25	10	18



Тошкентдаги «Промэнерго» корхонаси биринчи қозонхонаси коллективи Шимолий зона саноат корхоналари ва қурилишларини иссиқлик ва қисилган ҳаво билан таъминлашда катта тадбирларни амалга оширмоқда.

СУРАТДА: диспетчерлик установкаси машинист ёрдамчиси Ия Дининани иш жараёнида кўриб турибсиз. Бу илғор ишчи ўзининг самарали меҳнати билан ёшларга ўрнак бўлмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

• Шавкатли меҳнатнинг олдинги сафида

КОММУНИСТЛАР— ПЕШҚАДАМ

1958 йилнинг ёз ойларидан бирида Совет Армияси сафида хизмат муддатини ўтаб қайтган узун бўйли, хушбичим Александр Савельев авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг механика цехларидан бирига кириб келди. У ўз кучини қанотли машиналар яратишда синаб кўришга аҳд қилган эди.

— Токарь бўлмоқчиман, — деди А. Савельев қатъий оҳангда цех бошлиғи К. З. Мельниковга. Вақоланки, бу ерга фрезерчилар керак эди.

Ишга янги келган йигит билан бўлган суҳбатда ишлаб чиқариш командири унинг токарлик касбидан мутлақо хабари йўқлигини пайқади. Унга фрезерлик станокларидан бирида металлни чақкочлик билан йўнаётган баланд бўйли, мускулли бўртиб турган Александр Варюхинни кўрсатди.

— Мана унга шогирд тушасан. Эртага эса бу касб ёқиш-ёқмаслигини айтасан. — дея цех бошлиғи чиқиб кетди.

Эртасига Александрга фрезерлик касби жуда ҳам ёқиб қолди. У бошқа касбни асло истамас эди.

6-ҳунар-техника билим юртининг битирувчилари каби у ҳам ўз мураббийи Варюхиндан машинани бошқариш сирларини пухта ўрганиб олиши, бу мураккаб станокнинг силжишидан тортиб, унда детални қандай ишлаш технологиясини ўрганиши зарур эди...

Бу касбга иштиёқи баланд бўлган Александр Савельев икки ҳафта ўтмай мустақил ишлашга эришди. Учинчи разряд бўйича қатто мураккаб деталларни ҳам тайёрлай бошлади. Александр бир ёш катта бўлсада, аммо ўзининг шогирди билан чексиз фахрланди.

Кейинчалик йигитлар кўп вақт бирга меҳнат қилишди, дўстлашиб кетишди. Уларнинг маҳорати ўртасида эндиликда унчалик фарқ қолмаган эди. Бинобарин, шогирд ўз устозидан секин-аста ўза борди. Натижада профессионал бешинчи разряд олди. Шу билан бирга жамоатчилик ишларида, дастлаб комсомол сифатида, сўнгра эса 1966 йилдан буён коммунист сифатида фаол иштирок этди.

Яқинда цех коллективи Савельевни ўртоқлик суди раиси қилиб сайлади. Коммунистлар эса унга катта ишонч билдириши партбюронинг идеология ишлари бўйича аъзоси қилиб тайинлашди. Александр Борисович бу вазифаларни муваффақиятли бажариб келяпти. Ишга виждонан ва ҳалол ёндошиш бу киши характерининг ёркин қирраларидир.

Унинг раҳбарлиги остида ўртоқлик судининг иши ҳам жонланиб кетди...

Александр Борисовичнинг станогига яқинлашаман. У гидравлика системаси учун дюралюминли кронштейнларни қайта ишлаяпти. Мураккаб бўлган бу деталлар катта аниқликни талаб этади. Уларни тайёрлаш технологияси эса ҳали йўқ. Фақат чизмалари бор...

Лекин шундай бўлса-да, у аниқ ишлаяпти. Кронштейннинг бир томонини ишлашга атиги бир неча минут кетяпти, холос. Битта усул билан у учта операцияни бажяпти ва ҳаммасини қатъий размер асосида бажаряпти.

— Қандай қилиб? Олти фрезали набор билан! — тушунтиради фрезерчи. Фрезали набор билан ишланганда хато бўлмайди. Тезлик эса кескин ўсади. Мен буни ўз тажрибамда бир неча марта гувоҳи бўлганман.

Новатор ишчида бундай янгиликлар оз эмас: булар бир бутун коллективдан иборат...

Шунинг учун ҳам А. Савельевга шахсий белги билан ишлаш ҳуқуқи берилган. У тайёрлаётган барча деталлар завод Сифат белгиси билан топширилади.

— Мен Александр фрезерлаётган деталларни қайта ишлашни давом эттираман. Бу деталларнинг ҳаммаси ўзининг юксак аниқлиги, кам чиқитга чиқанлиги билан ажралиб туради. — дейди Рашид Ҳалитов мастерлик қилаёт г а н группа слесари Фоат Ғалимулинга.

Цехда тўрт киши беш йиллик топшириқни уддалади. Булар донгдор новатор Евгений Савинов, Анатолий Гребцов, Анатолий Карев ва Александр Савельев д и р. Улар ёшларнинг мураббийлари. Масалан, Александр Савельев йигирмага яқин шогирд тайёрлади.

Ишлаб чиқариш илғори бу заводда ишлаб кўпгина ютуқларни қўлга киритди. Ётинчи беш йиллик якуни бўйича у «Шавкатли меҳнати учун» медали билан, саккизинчи беш йиллик якунига кўра Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тўққизинчи беш йиллик якуни бўйича эса Октябрь революцияси ордени билан мукофотланди...

А. АНИСИМОВ,

В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг инженер-социологи.

• Республика бўйлаб

ТЕЗ ВА ҚУЛАЙ

Гулистон кўчаларида маршрут таксилари пайдо бўлди. Кичик автобуслар хизмат қилаётган янги транспорт линиялари темир йўл ва автомобиль вокзалларини боғлади. Пассажирларни шаҳарнинг олис районларига — сув хўжалиги ходимлари посёлкасига, область касалхонасига етказмоқда.

АВТОМАТ ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ

«Ленинград» совхозида ташкил қилинган автомат телефон станцияси дастлабки юз абонентга хизмат қила бошлади. Совхознинг марказий посёлкаси ва бўлимлари аҳолиси Зомин район маркази билан бевосита телефон алоқасига ҳам эга бўлди. Узунлиги 24 километр келадиган алоқа линияси район марказигача ўтказилди.

МИРЗАЧЎЛ БАЛИҒИ

Сирдарё баликчилик хўжалигида балик дудлайдиган цех ишлай бошлади. Ҳовузларда овланган балик бу ерда қайта ишланади. Бундай ҳовузлар қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз шўрхок ерларда барпо этилди. Ийл бошидан буён Сирдарё областининг магазинларида 3200 центнер — ўтган йилдагидан икки баравар кўп тирик балиқ жўнатилди. Келгуси йили ана шу махсулотни етказиб беришни яна икки баравар кўпайтириш мўлжалланмоқда.

ЯНГИ ДОРИХОНА

Дўстлик посёлкасида янги дорихона ишга тушди. Бу посёлкада Туямўйин тўғонини барпо этаётган хоразмлик гидросозлар яшамоқда. Типовой пойиҳа асосида қурилган дорихонада тўртта иш жойи бор. Ана шу «қуввата» ривожланаётган посёлка аҳолисини дори-дармонлар билан тўла-тўкис таъминлаш имконини бермоқда.

(ЎзТАГ).

ТАШАББУС АСОСИДА

«Водстроймаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи беш йилликнинг учинчи йили топширигини муддатидан илгари бажариш бўйича социалистик мусобақага қўшилиб, 27 декабрдаёқ йиллик план ado этилганлиги, йил охиригача планга қўшимча яна 80 минг сўмлик қурилиш ишларини бажаришга аҳд қилди. 7 октябрдаёқ йиллик топшириқни уддалаган автоматика ва телемеханика корхонасининг 2-цехи коллективи мусобақанинг олдинги маррасида бормоқда. Коммунистлар, коммунистик меҳнат зарбдорлари, ёшларнинг чинакам мураббийлари бўлган Н. Хвостиков, Э. Ғозиев, Р. Раҳимбяпов, В. Лемешевлар социалистик мусобақанинг чинакам машъалларидир. Ана шу меҳнатчиларнинг ташаббусини бирлашманинг бошқа цехлари ишчилари ҳам қўллаб-қувватлашди. Октябрь революцияси ордени кавалери И. Олейников, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Ф. Евтихов бошчилик қилаётган коллективлар ҳамкасбларининг ташаббусига қизғин қўшилдилар ва смена топшириқларини муntазам ошириб бажармоқдалар.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

УЛАН-БАТОР. Халқ Монголиясининг илмий ташкилотлари шу беш йилликда етти юздан зиёд ихтиро ва техникавий ечимларни ишлаб чиқаришга жорий этди. Булардан 40 миллион тугрик иқтисодий самара олинди.

Монголия олимлари ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, халқ хўжалигининг барча соҳаларида иш сифатини яхшилаш, мавжуд хом ашё ресурсларини аниқлаш ва улардан кенг фойдаланиш каби проблемаларни ҳал этишга асосий эътиборини қаратмоқдалар.

* * *

БОНН. ГФР 1977 йилда бошқа мамлакатларга салкам 2 миллиард маркалик қурол-яроғ ва ҳарбий техника сотган. Бу ҳақда Ғарбий Германияда чиқади г а н «Виртшафтсвохе» газетаси хабар берди.

Ғарбий Германия концернлари чет давлатларга етказиб бераётган қурол турларини орасида сув ости кемалари, торпеда отувчи катерлар, танклар, вертолётлар, зенит ва танкка қарши ракеталар, ўқ отувчи қуроллар бор.

* * *

КАНБЕРРА. Сиднейнинг Мельбурн аэропортларида хизмат қилувчи 4.000 ходимнинг забастовкаси тўрт кундан буён давом этмоқда.

Транспрот ишчилари касаба союзи бошчилигида забастовкачилар иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар.

Брисбен ва Аделаида аэропортларининг хизматчилари ҳам забастовкачиларга қўшилдилар.

ФАН-ТЕХНИКА КАШФИЕТЛАРИ

СУВ «ҒАЛВИРИ»

Қорадоғ нефтчилари Каспийдан чиқарилувчи сувдан ишлаб чиқаришда ва маиший эҳтиёжларда фойдалана бошладилар.

Москвалик ҳамкасблар билан бирга ишлаб чиқилган технологияга бир қанча полимер материалларнинг ўз товагидан сув ўтказиб туз молекулаларини ўтказмасдан «элаб қолиш» хусусияти асос қилиб олинди. Янги методнинг физилати шундаки, минераллашган сувни чучуклаштириш жараёнига бўладиган энергия сарфи анча камаяди.

ТАСС мухбири.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

КОМБИНАТГА ФАХРИЙ НОМ

ВАРШАВА. Мамлакатнинг илғор хўжаликларидан бири Дембин-Бушевку қишлоқ хўжалик комбинатига (Познань воеводлиги) Польша — Совет дўстлиги номи берилди. Комбинатнинг 4 минг гектар экинзори бор. Поляклар диёридаги социалистик ўзгаришлар бу ерда худда ойнадек яққол кўриниб турибди. Дембин-Бушевкудаги хўжаликни саноат негизига кўчириш ишлаб чиқаришни, иқтисослаштиришни чуқурлаштиришга, фермалар, омборлар, ёрдамчи бинолар қурилишида йирик маблағлардан мақсадга мувофиқ фойдаланишга имкон берди. Комбинатда чўчқа ва бузоқлар йилдан-йилга кўпаймоқда. Социал эҳтиёжлар учун ҳар йили кўплаб маблағ ажратилмоқда. Мелиорация ишлари, ерларни сугориш кенг кўламда олиб борилмоқда.

ГИДРОКОМПЛЕКС ИШГА ТУШИРИЛДИ

ПРАГА. Пиглава дарёсидаги Далешицк гидростанциясини и н г диспетчерлик пункти тўртинчи энергоагрегат ишга туширилиши арафасидаги дақиқаларда космодромнинг команда марказини эслатар эди. Операторлар пультлар ва таблолар олдида туширибди, радио карнайлари дақиқаларни битта-битта санамоқда ва ниҳоят «Ишга туширилсин», деган команда берилгандан кейин турбоагрегат энергия тармоғига уланди.

Шу дақиқалар Жанубий Моравия д а ЧССРда энг катта гидроаккумуляц ц и я қилувчи қуввати 420 минг киловаттга тенг электр станцияни қураётган олимлар, инженерлар ва бинокорлар катта коллективининг кўп йиллик меҳнатига якун ясади.



СУРАТДА: Нью-Йоркда ирқчиликка қарши намойиш.

ТАСС фотохроникаси.

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

ХАНОЙ. Социалистик Вьетнамнинг жанубидаги қишлоқ меҳнаткашлари яқинда бўлган сув тошқин оқибатларини тугатиш ва келгуси йил ҳосилига замин тайёрлаш соҳасида зўр ғайрат билан иш кўрмоқдалар. Ирригация иншоотларини ремонт қилиш ва янгиларини қуриш — деҳқонларнинг қиш фаслидаги ишларида муҳим ўрин олади. Бу йил неча ўнлаб ирригация системалари қуриб битказилди. Бу системалар қарийб 380 минг гектар майдонни яхши сугориб туришни таъминлайди.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«Қош қўяман деб»

Газета материалларидан бирида айрим ташкилотлар, жумладан шаҳар автоинспекцияси йўл белгиларини баъзан дарахт ёки устунларга осиб қўйиши танқид қилинган эди.

Давлат автомобиль инспекциясидан олинган жавобда бу масалага алоҳида эътибор берилгани, йўл қўйилган хато тузатилгани маълум қилинган.

«Сув исроф бўляпти»

Шу сарлавҳа остида газетанинг 13 ноябрь сонида чўтка фабрикаси қурилишида водопровод суви ҳамиша оқиб ётиши, сув исроф қилинаётгани танқид этилган эди.

«Водоканал» трестидан олинган жавобда бу борада чора кўрилгани маълум қилинди.

Тартибга келтирилди

Бошқа бир хабарда Киев проездидаги тупикда сув таъминоти ёмонлиги кўрсатилган эди.

Бу борада ҳам чора кўрилган, аҳоли сув билан таъминланган.

«Холодильник тузламади»

Шу сарлавҳа остида газетанинг 10 ноябрь сонида босилган материалда «Техсложбытприбор» шаҳар бирлашмасининг ишидаги камчиликлар танқид қилинган эди.

Олинган жавобда кўрсатилишича, ишда баъзан чиплар ҳам ноқисларга йўл қўйилган. Ишни нормал йўлга қўйиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди. Шикоятчининг холодильниги тузатиб берилди.

2 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

23 ДЕКАБРЬ, 1978 й.

ШАНБА ОҚШОМИ

ӨЗ-ӨЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР...

◆ Одамни тарбия қилувчи нарса иш ва меҳнатдир.

◆ Миннатсиз қилинган эзгулик энг мақбул ва гўзал эзгуликдир.

◆ Икки яхшининг қайси бири яхшироқ эканини ажрата олиш ҳунар эмас, аммо икки ёмоннинг қайси бири «дурустроқ» эканини ажрата олиш ҳунардир.

◆ Ҳулқ-атвори бузуқ одамдан ҳатто ўз оиласи ҳам безади.

◆ Кенгаш омонатдир, омонатнигни кимга топширишингдан гофил бўлма.

◆ Ўзини ҳаммадан юқори кўтарган, бошқаларни менсимаган одам жамиятнинг энг ҳулқсиз аъзосидир.

◆ Таъмагир одамнинг табиатини тузатишга уриниш дунёда икки мушкул иш бўлса биринсидир.

◆ Алишер Навоий айтади:

Асра ўзингни биров озоридин,
Кимсага озордалик изҳоридин.

◆ Луқмон ҳакимдан:

— Насиҳатларингизнинг кўпи ёшларга оид бўлади, аммо ёши катталарга камроқ бўлади, бунинг сабаби нима? — деб сўрадилар.

Луқмон ҳаким шундай жавоб берди:

— Боғбон ерни юмшатиб бир дарахт кўчатини ўтқазиб, унинг атрофини хас-хашакдан, зарарли ёввойи ўтлардан тозалаб, керак бўлган вақтда сув бериб турса, умуман яхши диққат қилиб тарбияласа тез вақт ичида дарахт вояга етади, унумли, серҳосил бўлади.

Болани ҳам ёшлигидан бошлаб яхшилаб тарбия қилиниса, гўзал ахлоқли, одобли этиб ўстирилса, у бола ўзига, ота-онасига бахт, саодат келтиради, жамиятнинг энг фойдали аъзоси бўлиб етишади. Шунинг учун мен ёшлар тарбиясига кўпроқ аҳамият бераман, ваъзнасиҳатларимнинг кўп қисми ёшларга онд бўлади.

Байт:

Ҳар ўғил, қизга керакдир руҳи афзо тарбият,
Айлагай орзу, умидларни муҳайё тарбият.

◆ Суқрот ҳаким айтади:

— Агар бировни ўзингизга дўст қилиб олмоқчи бўлсангиз, аввал унинг таржимаи ҳолини шундай ўрганинг: 1 — у киши ёшлик вақтида ўз ота-онасига қандай муомалада бўлган? 2 — қариндош ва ўртоқлари унинг муомаласидан рози бўлганларми? 3 — у одам ёшлик даврини кечиргандан кейин гўзал муомаласи билан ҳамманинг муҳаббатини ўзига жалб этганми ёки бад муомала эгаси бўлиб, ҳаммани ўзидан бездирганми? 4 — биров унга яхшилик қилган бўлса, у одамдан миннатдор бўлганми? Унга ҳам яхшилик қилганми? 5 — кайф -сафо, айш-ишратга берилганми? Фақат ўз манфаатинигина кўзлайдиганми, йўқми?

Байт:

Чин, самимий дўстни топмоқлиқ қийин,
Гар тополсанг, сурма қил кўзга изин.

◆ Оқил ва донолардан Хожимурод Одилий ўз ўғилларига насиҳат қилиб айтади:

— Азиз фарзандларим, илмли, ҳунарли одам бўлишга ғайрат қилинг, илм ва ҳунар ҳар нарсадан қимматлидир. Бир одамнинг мол-дунёси кўп бўлсаю, ҳунари бўлмаса, у одам ҳосилсиз қуруқ дарахтга ўхшайди. Илмли, ҳунарли бўлсангиз, турмушингизда ҳеч нарсага муҳтож бўлмайсиз, халқнинг иззат, ҳурматига сазовор бўласиз.

Байт:

Ўрганинг, фарзандларим, илму ҳунар,
Бир мақол бордир: «Ҳунардан — кўп унар».

Онанинг эзгулиги

Олимлардан Ризоуддин ибн Фахриддин айтади:

— Бу мақола хотинлар учун эмас, эрлар ва она қадрини лозим даражада билмайдиган фарзандлар учундир.

Иссиқ, чанг-тўзонли кунларда болалари билан машғул бўлиб, ўз роҳатларини фидо қилган хотинларни кўрамиз. Энг иссиқ кун. ларда кун бўйи далада ишлаб, кечқурун чарчаган ҳолда уйларига қайтувчилар ичида ўзларча хотинлар севимли қўзичоқларини кўриш учун кула-кула ошиқиб борадилар. Эркаклар қишнинг совуқ кечаларида иссиқ кўрпа-тўшакларда роҳатланиб ухлаб ётсалар, ўзларча хотинлар болаларга қараб, кечани уйқусиз ўтказадилар.

Она ўз боласини бирор фойда кўриш учун эмас, балки ҳеч нарса умид этмасдан уни жону-дили билан севади. Ўз мақсадини рўёбга чиқариш учун жонини фидо этувчи эр мингдан битта топилса, ўз боласи учун ҳатто жонини фидо этувчи хотинлардан неча минглаб топасиз. Шунинг учун оналарига ҳурмат этиш, уларни қадрлаш ҳамма болаларнинг энг зўр бурчларидир.

Диққат қилинг, боланинг истиқболи онанинг қўлидадир. Ҳар бир она ўз боласининг келгусида буюк одам бўлишига эътиқод қилиб тарбиялайди, жамиятнинг фойдали аъзоси этиб етиштиришга ғайрат қилади. Оналарнинг шафқатлари сабабидан дунёга марҳамат ва шафқат уруғлари сочилади.


Бир одамнинг иш, меҳнат одами ёки эмасми эканини билмоқчи бўлсангиз, унинг онасига қилган муомаласига ва умуман хотинларга бўлган муомаласига қаранг. Оналарига гўзал муомалада бўлувчи одам ҳақиқий инсондир.

Эй фарзанд, ўзингни катта одам ҳисоблаб, гердайиб юрасан. Бу қилиқларингда ҳеч маъно йўқдир. Иш далил истайди. Далилсиз, исботсиз ишнинг аҳамияти йўқдир. Онанг сенинг учун ҳамма роҳатини фидо этади. Бу билангина қаноат қилмай, ҳатто керак бўлса, жонини ҳам фидо этишга ҳозир эди. Эй ўзига ишониб, гердайиб, ғурурланиб юрган фарзанд, онангнинг ҳурматини қандай бажардинг? Ҳурматли онангнинг сен учун қилган хизматларини тақдир этиб, у улуғ зотни нималар билан мукофотладинг? Унга қилган хизматларинг нималардан иборат? Қани, марҳамат этиб битта-битта сўзлаб бер.

Байт:

Эй менинг мушфиқ, севимли, меҳрибон жоним онам,
Бахту иқболим самосинда нур афшоним онам!

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.



• *Бош пландан бир лавҳа*

УСТАЛАР КЎЧАСИ

Яқин келажакда Октябрь районининг Себзор турар жой микрорайони территориясида қуриладиган ҳунармандларнинг савдо расталарини ана шундай деб номлаш мумкин. «Ташгипрогор» институти 7-устахонасининг А. Косинский бошлиқ меъморлари бу объект лойиҳаларини яратишди.

Ҳунармандларни н г савдо расталари Эски шаҳар бозори билан халқ меъморчилиги ёдгорликлари зонасини боғлайди. Лойиҳачилар бир неча асрлар олдидан мавжуд этилган расталарга ўхшаш объектлар қуришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Қадимда темирчилар, мисгарлар, чилангарлар унча катта бўлмаган устахоналарда ўтиришиб, халқнинг ҳожатини чиқаришган эди.

Меъморлар яратган ҳунармандчилик савдо расталари ўша пайтда мавжуд бўлган анъаналар натижасида юзага келган. Бульвар бўйлаб қад кўтарадиган объектлар қадимги расталарга жуда ўхшаш бўлади.

Объектлар фақат ташқи томонидангина ўхшаш бўлади. Усталар учун XX асрда урф бўлган барча қулайликлар яратилади, коммуникация, вентиляция тармоқлари ўрнатилади.

Тошкентликлар ва меҳмонлар бундай устахоналарда миллий оёқ кийимлари, тўнлар, дўппилар, мисгарлик буюмлари, ёдгорликлар буюртиришлари мумкин. Шунингдек, бу ерда маиший хизмат асбобларини созлаш, қишлоқ хўжалик анжомлари ҳам тайёрлатиш мумкин.

Эски шаҳардаги иморатлар бой ўтмишга эгадир. Ҳозирги замон меъморларининг олдида турган муҳим вазифалардан бири бу— халқнинг бой меъморчилик анъаналарини сақлаб қолиш, уни ижодий ривожлантиришдан иборатдир.

СУРАТДА: ҳунармандчилик савдо расталари.

В. Колбина фотоси.

БИЛАСИЗМИ?

● **Ер шарида 8600 га яқин турдаги қуш бўлса, шулардан 700 хили бизнинг мамлакатимизда учрайди.**

● **Дунёдаги капалакларнинг энг каттаси Жанубий Америка тунги капалаги ҳисобланади. Унинг қанот кенглиги 27 сантиметр келади.**

● **Оддий пўлат 100 даражагача совутилганда шишадек мўрт бўлиб қолади.**

● **Бир грамм уран атоми парчаланганда 23 минг киловатт-соат энергия ажралиб чиқади. Бу — 3 тонна тошкўмир ёнганида чиқадиган энергияга тенгдир.**

● **270 квадрат километр жойни 15 метр қалинликда туман билан қоплаш учун бир челак сув кифоя қилади.**

● **ТУ-104 самолётининг 120 мингдан зиёд деталлари полимердан тайёрланган эди.**

● **Антарктида йилига умумий ҳажми 18000 миллион куб метр бўлган 220 минг айсбергни океанга «совға» этади.**

Ранг-баранг олам

● **Дунё океани битмас-туганмас туз конн ҳисобланади. Ундаги туз запаси 120 биллион тоннага баравар деб тахмин қилинади. [Бир биллион минг миллиардга тенгдир].**

● **Ер юзидаги дунё сувларининг уч процентигина суғориш ишларида фойдаланилади. Лекин айрим давлатларда суғоришга кўп сув сарф бўляпти. Масалан, Нил сувининг 50 процентидан фойдаланилса, Сирдарёнинг 40 процентн далаларга таралмоқда.**

● **Ҳарорати 18—21 даража, нисбий намлиги 60—40 процент бўлган ҳаво киши учун энг мўътадил ҳисобланади.**

● **Ҳозирги пайтда таркиби турлича бўлган 100 хилдан зиёд минерал сувлар бор. Мамлакатимизда 400 дан кўпроқ минерал сувли булоқлар борлиги аниқланган.**

● **1665 йили Парижда «Ле журнал де савон» нашр этилишидан бошлаб Европада журнал чоп этиш расм бўлди.**

КАШТАН

Каштан сохтакаштандошларга мансуб бўлиб, бу ажойиб дарахтнинг 25 тури маълум. Улар Европа, Осиё ва Шимолий Америка қитъаларида ўсади. СССРда, шу жумладан Ўзбекистонда у фақат маданий-манзарали ўсимлик сифатидагина маълум. СССРда каштаннинг ўн уч тури иқлимлаштирилиб боғхиёбонларда ўстирилади. Ўзбекистонда эса бир тури (Аескулус хиппокаштанум) жуда қадимдан ўстирилиб келинади. Бўйи 30 метргача етадиган қалин шохли дарахт, куртаги йирик ва ёпишқоқ. Барги панжасимон мураккаб, узунлиги ўн беш-йигирма сантиметрга боради. Барглар сони бешгадан тўққизтага етади. Улар тухумсимон ёки чўзиқ наштарсимон, узунлиги йигирма сантиметр, кенглиги ўн сантиметрга етади, четлари ўткир тишли, устки қисми туксиз, остки томонида фақат барг томирлари бўйлаб тукилар бўлади.

Каштаннинг гуллари канчалар билан қоплангап, кўпинча бир ёки 2— 3 уруғли. Узбекистон шароитида апрель-май ойларида гуллаб меваси август-сентябрь ойларида пишади.

Каштан дарахти 1576 йилдан бошлаб маданийлаштирила бошланган. СССРнинг Европа қисмидаги шаҳар ва қишлоқларда маданий-манзарали дарахт сифатида кўплаб ўстирилади. Каштан дарахти Тошкент шаҳрига дастлаб 1883 йили келтирилган. Уша йили ўтказилган дарахтлардан айримлари ҳозир Пушкин, Карл Маркс, Ульянов, Пролетар кўчаларида ва шаҳар истироҳат боғларида сақланиб колган. Самарқанд шаҳрида ҳам ўша даврда ўтказилган каштан дарахтлари бор. Каштан дарахти қурғоқчиликка чидамли бўлса-да, аммо бизда ёзнинг иссиқ кунларида унинг барглари қисман қуриб, қовжираб қолиш ҳоллари юз беради. Шунинг учун каштан дарахтни шиғил гуллар ҳавонинг иссиқ пайтларида суғорилиб турилади. Каштан узоқ йиллар яшайди, у табиий шароитда 400— 500 йил, шаҳар шароитида эса дуб, чинорлар қатори 300 йил ва ундан ҳам кўп ям-яшил туради. Кўкаламзорлаштиришда салмоқли ўрин тутади. У турли касалликларга чидамли бўлиб, узоқ яшайди.

Каштан дарахти жуда чиройли ва кўркам бўлиб, айниқса у гуллаган вақтда бутун дарахтни шиғил гуллар қоплаб олади ва гуллаш даври бир-икки ҳафтага чўзилади. Афсуски бундай кўркам каштан дарахти шаҳримизда тобора камайиб кетмоқда. Шаҳримизда сақланиб қолган асрдош каштан дарахтларини муҳофаза қилиш керак.

Бундан ташқари, каштан дарахтини шаҳримизда манзарали дарахт сифатида истироҳат ва маданий ҳордиқ чиқариб дам оладиган боғларга, парк, хиёбон ва кўча четларига кўплаб экиш айни муддао бўлади.

Т. МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли ўсимлик моддалари химияси институти илмий ходими.

• *Ўсимликлар оламида*

ИҚЛИМГА ЧИДАМЛИ ДАРАХТ

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Т. ТЕШАБОЕВ: Яқинда янги уйга кўчиб ўтган эдик. Квартирамизни янада шинам қилиш мақсадида бир қанча юмушларни бажармоқчи эдик: эшикларга кўнғироқ, кўзча, қулф ўрнатмоқчи эдик. Шаҳримизда шундай хизмат турларини кўрсатадиган бирор ташкилот борми?

Жавоб: Янги уйга кўчиб келганлигингиз оилангиз учун жуда қувончли воқеа. Бинобарин Сиз квартирани шинам қилиш учун бир қанча юмушларни бажармоқчи экансиз, бундай пайтларда Тошкент «Сервис» фирмаси Сизнинг хизматингизда бўлади. Фирманинг махсус бригадаси Сизнинг истагингизга кўра эшикларга кўнғироқ, кўзча, қулф ўрнатиб беришади, дераза ларини мақкамлашади, ётоқхоналарни пардалашади, кандилларни осишади. Бундан ташқари шу бригада уйдаги эски мебелларни пардоздан чиқаради, эшикка дермантин қоплайди, қандилларни бир хонадан иккинчисига олиб ўтади. Буюртмаларни бир хафта олдин «Сервис» фирмасининг марказий уйига бериш керак. У Навоий кўчасидаги 30-«а» уйда жойлашган. Қўшимча маълумотларни 44-61-45, 44-63-15 рақамли телефондан билиб олишингиз мумкин.

∴ ∴ ∴

С. ТЕМИРОВ: Шаҳримизда ўрта ва олий милиция мактаблари бор деб эшитдим. Илож бўлса шу мактабларнинг қаерда жойлашганлиги ҳамда қабул шартлари ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Шаҳримизда СССР Ички ишлар министрлигининг Тошкент ўрта ва олий милиция мактаблари борлиги рост. Улар Навоий кўчасидаги 9-«а» уйда жойлашган. Мактабларга фақат Совет Армияси сафида ҳақиқий хизмат муддатини ўтаб қайтган йигитлар қабул қилинади.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА

ГАИ АХБОРОТИ

«Мен ЗАЗ—966 маркали 32—43 ТНУ автомобилини Тарас Шевченко кўчаси бўйлаб Лоҳутий кўчаси томон бошқариб борар эдим. Чорраҳага етганимда тормозни босдим, лекин у ишламади ва рулни бириб юборишга тўғри келди. Шундан кейин машина ариққа бориб тикилди». «Запорожец» автомобили ҳайдовчиси М. Эгамбердиевнинг йўл-транспорт ҳодисаси фактлари солинган иш папкасидаги тушунтириш хати билан ёнма-ён транспортнинг техникавий ҳолати текшириб кўрилганлиги тўғрисидаги протокол ҳам бор.

— Мен айбдор эмасман, тормоз панд берди,— деб тасдиқлайди Эгамбердиев.

Автомобилни кўздан кечирган экспертлар эса тормоз системаси соз, деб тасдиқлашди.

Эгамбердиев машинаси билан ариққа тикилди. шундан кейин темир-бетон симёғочга бориб урилди. Хўш, нега? Чунки у ҳаракат пайтида атрофдаги йўл вазиятига эътиборсизлик билан қаради, олдида светофор чироғининг ўзгаришини кутиб турган бошқа транспорт воситаларини кечроқ сезиб қолганидан кейин. ҳаракат йўлини кескин ўзгартиришга мажбур бўлди. Бу эса, ёмон оқибатга олиб келди. Эгамбердиевни бош ва ён бош суяги синган ҳолда «Главташкентстрой»нинг медицина-санитария қисмига олиб келинди.

Ҳар тўғрида

ТРОЛЛЕЙБУС ТАРИХИ

Троллейбус транспорт сифатида биринчи марта Берлин кўчаларида 1882 йили юра бошлаган эди. СССРда дастлабки троллейбус Москвада 1933 йилда қатнаган.

Урта Осиё республикалари ичида Ўзбекистон пойтахти Тошкентда 1944 йили бир неча троллейбус маршрутлари ишлай бошлаган. Ҳозир мамлакатимизнинг 80 дан зиёд шаҳарлари аҳолиси бу қулай транспорт воситасидан фойдаланишмоқда.

ҚАТИҚХЎРЛАР ФЕСТИВАЛИ

Туркиянинг Силиври шаҳрида ҳар йили ғалаба фестиваль уюштирилади. «Узоқ умр кўрай десанг, қатиқ ич!» шиори остида ўтадиган бу фестивалда моҳир қатиқчилар ва қатиқхўрлар иштирок этишади.

Бу йил ўтказилган фестивалда Силиври шаҳридаги меҳмонларнинг ўзи 2 ярим тонна қатиқ ичишган. «Ким кўп қатиқ ича олади?» мусобақасидан кейин ўйин-кулги, турли халқ ансамбларининг чиқишлари, маскарадлар бўлади.

С. ҒАФУРОВ тўплаган.

ПОМИДОР САҚЛАШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

Швейцарияда помидорни ёғоч қипиғида сақлаш усулига патент олинди. Бунда помидорлар сақланадиган қипиқларга дастлаб микробларга қарши ишлов берилади, яъни уларни водород пероксиди ёки аспирин эритмаси билан ишланади. Сўнгра помидорлар қипиқ билан ўралади. Бу усул билан помидорларни 5—7 даража ҳароратда 3—4 ой мобайнида ўзгартирмай сақлаш мумкин.

Қаҳрамон қиз номидаги сайёра

Астрономларимиз 1972 йилда 2015-номерли янги кичик планетани аниқлашди. Бу планетани СССР Фанлар академияси назарий астрономия институтининг Қрим группаси ходими А. В. Журавлева москвалик қаҳрамон қиз хотирасига бағишлаб, уни Наташа Качуевская номи билан атади.

1941 йилнинг бошларида Наташа Качуевская фронтга кўнгиллилар сафида йўл олади. Довюрак қиз Сталинград остоналаридаги шиддатли жангларда мислсиз қаҳрамонлик кўрсатиб, душман билан юзма-юз бўлган жангларда қатнашди. У 70 га яқин яраланган солдат ва офицерни жанг майдонидан олиб чиқиб, уларга медицина ёрдамини кўрсатди.

1942 йилнинг 20 ноябрида Халхута посёлкаси яқинида жанглар қизғин борар эди. Ярадорларни медсанбатга кузатиб қўйиш олади. Довюрак қиз Сталинград остоналаридаги шиддатли жангларда мислсиз қаҳрамонлик кўрсатиб, душман билан юзма-юз бўлган жангларда қатнашди. У 70 га яқин яраланган солдат ва офицерни жанг майдонидан олиб чиқиб, уларга медицина ёрдамини кўрсатди.

1942 йилнинг 20 ноябрида Халхута посёлкаси яқинида жанглар қизғин борар эди. Ярадорларни медсанбатга кузатиб қўйиш Наташа зиммасига юкланди. У ярадорларни кузатиб бораётганда тўсатдан фашистлар қаршисидан чиқиб қолди. Довюрак қиз ўзини йўқотмай ярадорларни блиндажга яширишга улгурди ва немислар билан охирги патрон қолгунча жанг қилди. Душман қизга тобора яқин келиб қолганда Наташа сўнгги гранатаня улоқтирди. Қаҳрамон қиз яралорлар ҳаётини сақлаб қолиб, ўз ҳаётини қурбон қилди.

Нижний Герзель қишлоғидаги ўрта мактаб пионерлари Сталинград жанглари қатнашчиси, чеченоингушликлар ветерани И. А. Шаиповнинг Наташанинг қаҳрамонлиги ҳақидаги ҳикоясини тингладилар. Наташа ҳаётини сақлаб қолган 70 ярадорнинг бири И. А. Шаипов эди.

Наташа Качуевская номли планетанинг диаметри 11 километр. У қуёшдан 350 миллион километр узоқликда жойлашган.

Х. ИЎЛДОШЕВА.



Ўз ҳаётини қадимги цивилизация ва денгиз саёҳатлари тарихини ўрганишга бағишлаган норвегиялик машҳур олим, саёҳатчи, толмас тадқиқотчи Тур Хейердалнинг «Тигрис» қайиғидаги илмий экспедицияси тўрт ярим ой давом этди.

Қадимги денгиз сайёҳлари изидан

Жуда кўп мутахассислар океанлар халқларни бир-биридан ажратиб турган, деб ҳисоблашар эди. Норвегиялик олим эса, аксинча, океанлар халқларни бирлаштирган, деган тахминни илгари сурди. У бундан беш минг йил муқаддам, ёғочдан ясалган кемалар пайдо бўлгунга қадар ҳам папирус ва қамишдан ясалган қайиқчаларда денгизларга саёҳатга чиқишган деб ҳисоблайди. Тур Хейердал тахмин қилибгина қолмай, ўзининг бу тахминини амалда исботлашга ҳаракат қилди. «Тигрис» қайиғидаги экспедициянинг бош мақсади ҳам шундан, қамишдан ясалган қайиқларнинг Ҳинд океани акваториясида олис масофаларга саёҳат қилиш мумкин эканлигини исботлашдан иборат эди. Илмий нуқтаи назардан олганда экспедиция инсониятнинг уч йирик цивилизацияси — Месопотамия, Инд воҳасини ва қадимги Миср ўлкасини боғловчи денгиз йўли мавжуд бўлганлигини исботлади.

Тигр ва Фрот дарёлари туташган ерда жойлашган Ироқнинг Эль-Курни шаҳридан старт олган «Тигрис» қайиғи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти байроғи остида 7000 километрдан зиёд йўлни босиб ўтди. Экспедицияда 11 киши — Дания, Ироқ, Италия, Норвегия, Мексика, СССР, АҚШ, ГФР, Япония вакиллари иштирок этдилар.

СУРАТЛАРДА: интернационал экспедициянинг совет қатнашчиси— Юрий Александрович Сенкевич; океан ўртасида шахмат матчи; Тур Хейердал экспедиция қатнашчилари билан бўлажак маршрутнинг лойиҳасини муҳокама қилмоқда.

Ю. Сенкевич фотолари, **ТАСС** фотохроникаси.



• *Маслаҳатларимиз*

ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН...

● Пичоқ ва вилкалар ялтираши учун, картошка қайнатилган сувга ўн минут солиб қўйилади.

● Кирғич тешикларидаги қолдиқ бир бўлак хом картошка билан ишқаланса осон кетади.

● Кўпинча ошхона дарпардаси ювилганда яхши очилмайди. Бунинг учун намакобли сувга кечқурун ботириб, эртасига ювиб ташласангиз дарпарда янгидай бўлади.

● Ванна ва раковинадаги сариқ доғ озгина туз қўшилган илиқ сиркали латта билан артиб кетказилади.

● Рухли кранлаги доғ илитилган сиркага намланган латта билан артилса доғ дарров кетади. Кейин тоза сув билан ювиб ташланг. Ювилгач, юмшоқ латта билан артсангиз у яркираб кетади.

● Ошкўк бироз сўлиган бўлса, илиқ сувга бир неча минут солиб қўйсангиз «тирилади».



▲ ДАМ ОЛИШ СОАТИДА «МУЗИКА» ЧАЙНВОРДИ

1. Музика олий ўқув юрти. 2. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатига сазовор бўлган вокал чолғу ансамбли. 3. Музика-шунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. 4. Рақс музикасининг формаси. 5. Чолғучи. 6. Баяннинг Россияда тарқалган номи. 7. Қўшиқнинг такрорланадиган қисми. 8. Ўзбек халқ куйи. 9. Оҳанг. 10. Юриш учун ёзилган музика асари. 11. Атоқли совет композитори. 12. Чолғу асбоби. 13. Тантанали куй. 14. Музика белгиси. 15. Музика асбоби. 16. Оналар қўшиғи. 17. СССР халқ артисти, ўзбек композитори ва дирижёри.

Тузувчи:
Ш. ҲИДОЯТОВ.

16 ДЕКАБРДАГИ «ШАХМАТ» КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Дебют. 2. Дуранг. 3. Шахмат. 4. «Инасса». 5. Алёхин. 6. Фарзин. 7. Геллер. 8. Хужаев. 9. Гамбит. 10. Карпов. 11. Портиш. 12. «Оскар».

∴ ∴ ∴

«Шанба оқшоми» саҳифасида эълон қилинган кроссворд ва чайнвордларга К. Файзуллаева, М. Алимов, А. Солиҳов, Ж. Рустамов, О. Қудратов, А. Аюбов, А. Болтабоев, М. Муратов, Ҳ. Арслонов, Б. Ҳалилов, А. Мамажонов, С. Шукуров, М. Нарзуллаева, Ҳ. Умаров, А. Абдуқаҳҳоров, Д. Одилов, И. Мақсудов, С. Зокирова ва бошқа оқшомхонлар тўғри жавоб ёзиб юборишган. Хат юборган ўртоқларга редакция ташаккур билдиради.

• *Оқшом насибаси*

ҲОЛВАЙТАР

«Ҳолвай тар», яъни «суюқ ҳолва» маъносини англатади ва бу ширинлик жуда қадим замонлардан буён парҳез сифатида тайёрланиб келинади. Парҳезлиги шундаки, у жуда тез қонга сўрилади ва бошқа овқатларнинг ҳазмланишига ҳам ёрдам беради. Илгари шакар ёки қанднинг қуруқ ўзи камдан-кам истеъмол этилган. Бу ҳол оққанднинг ноёблигидангина эмас, балки сахарозанинг шарадорлик даражасини, ёғ ва ун компонентлари ҳисобига камайтириб, таом ҳажмини кўпайтириш мақсадини кўзлашдан келиб чиққан. Энг муҳими, таомнинг тўқтутарлигини (яъни калориясини) кучайтиришга қаратилган. Замонавий илм маълумотларига қараганда 1 грамм оқсил ёки 1 грамм шакар моддаси 4,1 калория ҳосил қилади, 1 грамм ёғ эса, 9,3 калория беради. Демак шакар, ун ва ёғ масаллиқларидан тайёрланган ҳолвайтарнинг 1 грамми 13 дан ортиқроқ калорияга эга бўлади.

ТЕХНОЛОГИЯСИ: Обдан қизитилган қозонда қўй ёғи доғланади ва оловдан олиб ёғни шошириб тоби чиқарилади. Сўнгра бунга оқ ун солиб қумоқлари йўқолгунча яхшилаб аралаштирилади. Қозонни яна оловга қўйиб ун ва ёғ аралашмаси малларанг тусга киргунча кавлаб турилади. Шундан сўнг қайноқ сувга солиб қўйилган шакар ёки оққанд эритмасини қуйиб оловини пастлатиб доим кавлаб турган ҳолда қайнатилади. Ҳолвайтар жигарранг-қизғиш тусга киргач қозонни ўчоқдан тушириб совутилади.

МАСАЛЛИҚ: 100 грамм қўй ёғи, 1 стакан оқ ун, 1 стакан шакар ёки 150 грамм оққанд, 3 стакан қайноқ сув ҳисобида олинади.

К. МАҲМУДОВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

23 ДЕКАБРЬ, 1978 й.

Ҳафталик программа

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

25 ДЕКАБРЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.00 Мультфильмлар программаси. 10.30 «Ўтган йилги кадрил». Телевизион бадиий фильм. 11.40 Янгиликлар. 13.00 Янгиликлар. 15.20 «Меҳнатнинг — ҳақболинг». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 16.25 Халқ оҳанглари. 16.40 «Музей ва кўргазма залларн бўйлаб». В. Васнецов музейи. 17.00 «Сиз яратган боғ».

17.30 Халқаро конкурс лауреати С. Потанина чалади (фортепьяно). 17.45 Тўпли хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Олмаота) — «Динамо» (Москва). 2-тайм. Олмаотадан олиб кўрсатиладн. 18.30 «Учинчи йил — зарбдор йил». «Иккинчи кўприк». РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонаси ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 19.30 «Қор камалаги». Москва шаҳар болалар бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти. 20.05 Москва Бадиий академик театрининг 80 йиллигига. А. Н. Островский. «Донишмандниинг содда бўлгани яхши». М. Горький номли ССР Иттифоқи Москва Бадиий академик театрининг фильм-спектакли. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Донишмандниинг содда бўлгани яхши». Фильм-спектаклнинг давоми. 23.30 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевиденнесининг

программаси

10.15 Кўрсатувлар программаси. 10.20 «Табиатда сув». Табиатшуносликдан ўқув кўрсатуви (рус.). 10.40 «Қалбим ва қўшиғим сенга», «Химия гиганти». Телевизион ҳужжатли фильмлар. 11.30 «Табиатда сув». Табиатшуносликдан ўқув кўрсатуви.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Сигулденлар». Болалар учун телевизион фильм-концерт. 18.15 Ўсмирлар учун. «Янгра, барабан!» (рус.). 18.45 «Фан» программаси. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Театр учрашувлари» (рус.). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Музикали фильмотека янгиликлари». «Қизлар рақс тушади», «Болеро». Телевизион фильм-концертлар. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Замон назму навоси». Туроб Тўла туғилган кунинг 60 йиллигига. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент

области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» — АСК (Куйбишев). «Юбилейний» Марказий спорт залидан репортаж. Танаффус пайтларида — Тошкент янгиликлари. 21.15 «Байкал қирғоқларига». Телевизион ҳужжатли фильм.

26 ДЕКАБРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевиденнеининг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.00 А. Н. Островский. «Донишмандниинг содда бўлгани яхши». М. Горький номли ССР Иттифоқи Москва Бадиий академик театрининг фильм-спектакли. 12.50 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Қишлоқдаги оддий иш кунлари». Кинопрограмма. 16.05 «СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари». 16.35 «Коломен огир машинасозлик заводи». Меҳнат коллективи ҳақида очерк. 17.05 Чанги спорти бўйича Бутуниттифоқ мусобақаларн. Аёллар, 10 километр. Красногорскдан олиб кўрсатилади.

17.55 «Ешлар адреслари». Ешлар телевизион программаларининг Горький шаҳрида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ фестивали якунлари. 19.00 «Уйнаб қўшиқ айтамиз». 19.15 «Оламда нима гап?» 19.30 «С. Рахманинов романси». Телевизион фильм. 19.40 «Фаластинликлар: яшаш ҳуқуқи». Ҳужжатли фильм премьераси. 20.20 «Пазандалар конкурсга келишди». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Балет ҳақида». ССР Иттифоқи артистлари Е. Максимова ва В. Васильевлар ижоди. 23.45 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевиденнесининг

программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Биз сенинг содиқ ўринбосарингмиз, комсомол». 18.30 «Миллион-лар ленинча университети». «Ривожланган социализм Конституцияси». 18.50 «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги». Кўрсатувни шоира Эди Огнецвет олиб боради. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Кино оламида». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Лазги» ансамблининг солистлари Олмагул ва Урбигул Суербоевалар концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.25 «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадиий фильм. 1-серия. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент

области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Қизиқарли математика». 19.30 Германия Коммунистик партиясининг 60 йиллигига. «Қизил альпинистлар». Кўп сериляи телевизион бадиий фильм. 10-ва 11-серилар (рус.). 20.20 «Ўқитувчи экрани». 20.50 Тошкент янгиликлари. 21.10 «Тошкент» телепрограммаси. «Болалар учун товарлар» (рус.). 21.40 «Узоқ Шарқ экспресси». Телевизион ҳужжатли фильм.

27 ДЕКАБРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевиденнеининг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.00 «Пазандалар конкурсга келишди». Телевизион бадиий фильм. 11.10 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.00 «Қишлоқ ишлар ва муаммолар». 16.25 Чанги спорти бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари. Эркаклар, 30 километр. Красногорскдан олиб кўрсатилади.

17.40 «Горичнлар, қардошим!» 18.10 «Атоммаш» биринчи назбат ишга туширилди». Телевизион очерк. 18.40 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 19.15 «Оламда нима гап?» 19.30 «Ягона қардошлик оиласида». Белоруссия ССР ва Белоруссия Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг раиси И. Е. Поляков сўзи. «Она ерим — ўз тақдирим». Ҳужжатли фильм премьераси. Белоруссия санъат усталарининг концерти. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Қадимий рус водевиллари кечаси». 23.55 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевиденнесининг

программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Тус-тўполон». Болалар учун мультфильм. 18.15 «Ҳаёт каби тирик». 18.45 «Халқ контроли экрани». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Зулфия. «Сўроқлайди шоирни шеърим». 19.45 «Олтин водий куйчиси». Телевизион фильм-концерт. 20.10 «Ахборот» информацион программаси. 20.30 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадиий фильм. 2-серия. 23.15 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. «Университет» (Тошкент) — «Светлана» (Ленинград). Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг спорт комплексидан репортаж (ёзиб олинган). 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент

области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Инглиз тили. 19.30 «Қизил альпинистлар». Кўп сериляи телевизион бадиий фильм. 12-ва 13-сериялар (рус.). 20.20 Ўқитувчилар учун консультация. 20.50 Тошкент янгиликлари. 21.10 Реклама. 21.25 «Енгиндан эҳтиёт бўлинг!» (рус.).

28 ДЕКАБРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевиденнеининг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» инфрмацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.00 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 10.45 «Жаҳон халқларининг ижоди». 11.10 «Киносаёҳатчилар клуби». 12.05 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Мен — «Сибирь» атомоходи». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.50 «Шахмат мактаби». Хатларга жавоблар. 16.20 «Рус тили». 16.50 Чанги спорти бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари. Аёллар, 5 километр. Красногорскдан олиб кўрсатилади. 17.35 «Мамлакатнинг катта сарҳисоби». Ҳужжатли фильм.

17.45 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали. 18.30 «Фан оламида». 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Оламда нима гап?». 19.30 «Миллионлар ленинча университети». «Партия жасорати — халқ жасорати». Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кўриқ» китоби материаллари асосида. 20.00 К. М. Вебер. «Рақсга таклиф». 20.10 Москва Бадиий академик театрининг 80 йиллигига. «Бизнинг театр ҳақида». Ҳужжатли фильм. Театрнинг бош режиссёри, СССР халқ артисти О. Н. Ефремовнинг кириш сўзи билан бошланади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Даврани кенг олинг». Эстрада программаси. 23.45 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевиденнесининг

программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 12.00 «Шеърият мухлисларига». Хабибий. 12.20 «Азиз». Телевизион бадиий фильм (рус.). 13.25 «Ешлик» студиясн кўрсатади. «Ватанпарвар».

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Моҳир қўллар». 18.25 «Ешлик» студиясн кўрсатади. «Биз — 70-йиллар комсомолларн» (рус.). 18.55 «Оқ олтин»га — олий сифат». Хазорасп пахта тозалаш заводи. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Совринларимиз — энг яхши механизаторларга». Кўрсатув ва концерт. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Одамлар заминда галла ўстирдилар, замин одамларни камол топтирди». Езувчи Одил Ёқубов сўзи. 21.05 «Кечки концерт». Телевизион фильм-концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Кўчатлар». Бадиий фильм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент

области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Экранда — кинокомедия». «Бахт кулиб боққанда» (рус.). 20.25 «Шаҳзода ва Золушка». Телевизион фильм-балет. 20.50 Тошкент янгиликлари. 21.10 «Тошкент» телепрограммаси. «Зарбдор йилга — зарбдор якун». 21.40 «Акакука чегарада ҳужжат қилади». Телевизион ҳужжатли фильм.

29 ДЕКАБРЬ — ЖУМА

Марказий телевиденнеининг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.00 Болалар учун. «Қизил Шапкача ҳақида». Телевизион бадиий фильм. 1-ва 2-серилар. 12.15 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 15.55 Белоруссия ССР Давлат халқ хорининг концерти. 16.25 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». «СССР гражданлиги». Кўрсатувда СССР Юстиция министрининг биринчи ўринбосари А. Я. Сухарев иштирок этади. 16.55 Чанги спорти бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари. Эркаклар. 15 километр. Красногорскдан олиб кўрсатилади.

18.00 «Москва ва москваликлар». 18.30 «Қувноқ нотлар». 18.45 «Биз ВАМ қураяпмиз». 19.15 «Оламда нима гап?». 19.30 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси электр музикали асбоблари ансамблининг концерти. 20.00 «Марказий телевидение экранида биринчи марта», «Парвои фалак». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Қувноқ болалар». Телевизион конкурс. 23.35 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевиденнесининг

программаси

11.35 Кўрсатувлар программаси.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

11.30 Болалар учун концерт. 12.05 «Аловуддиннинг сеҳрли чироғи». Бадиий фильм.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ешлик» студиясн кўрсатади. «Биз ишчи бўламиз». 18.25 «КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорлари — ҳаётга!», «Тежамкорлик — коммунистик хислат». 18.40 «Инсон болаликдан бошланади» (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.) 19.30 «Оламга сёҳат». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси уйғур ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион порграммаси. 22.05 «Болажон қиз». Бадиий фильм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент

области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Қордан қоргача». Бадиий фильм. 20.30 «Кругозор». Илмий-оммабоп программа (рус.). 21.00 Тошкент янгиликлари, 21.20 «Бизнинг бош мухбиримиздан» (рус.). 21.50 «Молдаван шишлогининг янгиликлари». Телевизион ҳужжатли фильм. 22.05 «Севги ҳақида қўшиқлар». Концерт.

30 ДЕКАБРЬ — ШАНБА

Марказий телевиденнеининг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.00 «Сирли сувдат». Болалар учун Янги йил томошалари. 10.35 «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.05 «Тонгги почта». Музикали программа. 11.35 «Оламда нима гап?». 11.50 «Бепоён Ватаним менинг». Ҳужжатли фильм премьераси. 12.40 «Ватан ҳақида қўшиқлар». 13.20 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 14.05 Болалар учун. «Мўъжизаларни кутиб». Бадиий фильм. 15.15 «Спортлото» тираж. 15.30 «Инсон. Ер Коинот». Кўрсатувни икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт учувчиси В. И. Севастьянов олиб боради. 16.15 «Телевидение экранида биринчи марта». «Коппелия». Москва академик хореография билим юртининг спектакли. Л. Делиб музикаси.

18.05 «Ҳайвонот оламида». 19.05 «Мультфильмлар программаси. 19.35 «1978 йилни кузатиб». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. Бекетов олиб боради. 20.20 «13 стул». Телевизион миниатюралар театри. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Дўстлар учрашуви». Останкино концерт студиясида эстрада артистларининг кечаси.

Ўзбекистон телевиденнесининг

программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Самарқанд опера ва балет театри солистларининг концерти.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

11.20 «Телевидение экранида биринчи марта». «Иван ва Марья». Бадиий фильм. 12.45 «Биз қувноқ ва шодон яшаймиз» (рус.). 13.15 Телевизион театр. М. Дрюон. «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ». 14.10 «Оналар мактаби». 14.40 «Эртага — премьера». Кинокўрсатув (рус.). 17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Оқ автомобиль». Болалар учун телефильм. 18.00 «Доре-ми-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали ўқув кўрсатуви. 18.40 «Буюк зафарлар йили». 18.55 «Онла гурунги». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Телевизион ҳужжатли фильм. 19.40 «Ешлик» студиясн кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Шермат Файзуллаев концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Телевидение экранида биринчи марта». «Верийск кварталининг оҳанглари». Музикали кинокомедия. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевиденнесининг

программаси

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Ашхабод — Душанба Янги йил программаси. 19.10 «Новости» информацион программаси. 19.30 Телевизион почтадан (тожик тилида). 20.00 «Шунақаси ҳам бўладн». Сатирик журнал. 20.30 «Ахбор» информацион программаси. 20.55 Эстрада куйларидан концерт. 21.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

31 ДЕКАБРЬ — ЯКШАНБА

Марказий телевиденнеининг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.40 «Зарядкага сафланинг!» 10.00 «Будильник». 10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.30 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Маша ва Витянинг Янги йил саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм. 13.00 «Қишлоқ янгиликлари». 14.00 «Музикали киоск». 14.30 «Ҳайкалтарош Вучетич». Ҳужжатли фильм. 14.50 «Театр спектакли». А. Вейцлер, А. Мишарин. «Қиш қиссаси». В. Маяковский номли Москва академик театрининг спектакли. 16.50 «Фақат тиним билмаслик». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 17.20 Мультфильмлар программаси.

17.45 Белоруссия ССР санъат усталарининг концерти. 18.30 «Халқаро панорама». 19.15 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.15 «Кадриль». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «ВАҚТ» информацион программаси. 22.05 «Ираклий Андроников билан суҳбатлар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 23.30 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг

программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Т. Муродов куйлайди. 10.50 Г. Свиридов. «Тиканли сим ортида ринг». Телеспектакль. 1-қисм. 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.00 Г. Свиридов. «Тиканли сим ортида ринг». Телеспектакль. 2-қисм. 14.00 Волейбол бўйича СССР чемпионати. «Автомобилист» (Тошкент) — «Динамо» (Москва). «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан репортаж (ёзиб олинган). 15.00 Ота-оналар учун консультация. 15.30 Реклама.

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 Болалар учун. «Юлдузча». 18.05 «Кичик сеҳргарлар». Ангрен болалар цирқининг чиқиши. 18.45 «Оламда нима гап?». 19.15 «Ахборот» информацион программаси. 19.30 «Зилзила. Изланишлар. Прогнозлар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. («Ўзбектелефильм»). 19.50 «Газал оқшоми». Кўрсатувни шоир Эркин Воҳидов олиб боради. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси шарқ куйлари факультети студентларининг концерти. 21.30 Москва. «ВАҚТ» информацион программаси. 22.05 «Соҳиллар». Бадиий фильм. 23.25 Волейбол бўйича СССР чемпионати. «Автомобилист» (Тошкент) — «Спартак» (Ленинград). «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан репортаж (ёзиб олинган). 23.55 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевиденнесининг

программаси

16.30 Кўрсатувлар программаси. 16.35 «Экран — болаларга». 17.00 «Қирғизтелефильм» кўрсатади. «Парижга йўл». 17.30 Фильм-концерт. 18.05 «Новинка» киноклуби. 19.20 Қирғизистон ССР халқ артисти композитор Н. Давлесовнинг авторлик кечаси. 20.45 «Авлодлар овози». Кўрсатув. 21.30 Москва. «ВАҚТ» информацион программаси. 22.05 Чет эл фильмлари экрани. «Сирли излар». Телевизион бадиий фильм (рус.). 23.25 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

24 ДЕКАБРЬ—ЯКШАНБА

Марказий телевиденнеининг

«Восток» программаси

9.00 «ВАҚТ» информацион программаси. 9.40 «Зарядкага сафланинг!» 10.00 «Будильник». 10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.30 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Маша ва Витянинг Янги йил саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм. 13.00 «Қишлоқ янгиликлари». 14.00 «Музикали киоск». 14.30 «Ҳайкалтарош Вучетич». Ҳужжатли фильм. 14.50 «Театр спектакли». А. Вейцлер, А. Мишарин. «Қиш қиссаси». В. Маяковский номли Москва академик театрининг спектакли. 16.50 «Фақат тиним билмаслик». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 17.20 Мультфильмлар программаси.

17.45 Белоруссия ССР санъат усталарининг концерти. 18.30 «Халқаро панорама». 19.15 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.15 «Кадриль». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «ВАҚТ» информацион программаси. 22.05 «Ираклий Андроников билан суҳбатлар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 23.30 Янгиликлар.

Қирғизистон телевиденнесининг

программаси

16.30 Кўрсатувлар программаси. 16.35 «Экран — болаларга». 17.00 «Қирғизтелефильм» кўрсатади. «Парижга йўл». 17.30 Фильм-концерт. 18.05 «Новинка» киноклуби. 19.20 Қирғизистон ССР халқ артисти композитор Н. Давлесовнинг авторлик кечаси. 20.45 «Авлодлар овози». Кўрсатув. 21.30 Москва. «ВАҚТ» информацион программаси. 22.05 Чет эл фильмлари экрани. «Сирли излар». Телевизион бадиий фильм (рус.). 23.25 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/XII да **Флория Тоска**, 24/XII да **Этик нийган мушук** (12.00), **Бир актли балетлар** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/XII да **Кўрмайин босдим тиконни**, 24/XII да **Келинлар қўзголони** (12.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/XII да **Тошкентнинг нозанин маднаси**, 24/XII да **Зеби-зебона** (премьера), 25/XII да **Кўнгли ёш қарилар**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ЎРГАТИЛГАН ШЕРЛАР» АТТРАКЦИОНИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (12, 16, 19.30).

КИНО

24 ДЕКАБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«Л. И. БРЕЖНЕВ УЗОҚ ШАРҚДА» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги.**

«КОММУНИСТ ҲАҚИДА ҚИССА» — **Фестиваль.**

«ЕВРОПАНИНГ ЗАРБДОР КУНИ» — **Дружба.**

«САЛОМ, ПОЙТАХТ!» — **Мир.**

«ЎСМИРЛАР» — **Лисунов номли.**

«МАГИСТРАЛ ИЎНАЛИШИДА». — **Янгиобод.**

«ДЕНГИЗ ЧОРЛАЙДИ» — **Ҳамза номли.**

«ФИДОИЙЛИК» — **Тинчлик.**

«ЎРТОҚ СИБИРЬ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги.**

«БИЗ ЭКИПАЖ АЪЗОЛАРИМИЗ» — **Нукус.**

«ОПТИМИСТЛАР» — **Пионер.**

«ВАТАН ҚАҲРАМОНЛАРИНИ ШАРАФЛАЙДИ» — **Чайка.**

«УФҚ» — **Қозоғистон.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ХИЗМАТДОШ ОШИҚЛАР ҚИССАСИ» — **Чайка.**

«СЕН ҲАМ ОСМОНГА УЧАСАН» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги, Москва.**

«УЛАН» — **С. Раҳимов номли.**

«БИР ҚАРАШДАГИ СЕВГИ» — — **Восток (қичик зал).**

«ОҚ БИМ ҚОРА ҚУЛОҚ» — **Искра.**

«АСЯ» — **Пионер.**

ХРОНИКАЛ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — **Ҳамза номли, Ғ. Ғулом номли, С. Раҳимов номли, Навоий номли, Ўзбекистон ССР 25 йиллиги, Тошкент Советининг 50 йиллиги, Лисунов номли, Дружба, Фестиваль, Мир, Восток, Нукус, Янгиобод, Пионер, Ғунча, Қозоғистон, Кўнча, Чайка, ВЛКСМ 30 йиллиги, Тинчлик.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

24, 28 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.30 да

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

ТУРОБ ТЎЛА АСАРИ — ИКРОМ АКБАРОВ МУЗИКАСИ

«ЗЕБИ — ЗЕБОНА»

(Икки парда, етти кўринишли музикали драма)

Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист А. РАҲИМОВ.
Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Н. ХАЛИЛОВ.
Рассом — А. ЖИБОЕДОВ.
Режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист С. ПЎЛАТОВ.
Хормейстер — К. САЪДУЛЛАЕВ.
Концертмейстер — М. ФУРМАН.
Режиссёр ассистенти — Р. МУҲИДДИНОВА.

СПЕКТАКЛЬ ШОИР ВА ДРАМАТУРГ ТУРОБ ТЎЛАНИНГ ОЛТМИШ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ.

ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ШАҲАР МАРКАЗИДАГИ КОНТАКТ ТАРМОҚЛАРНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАМДА ПАССАЖИРЛАРНИ ТАШИШНИ ЯХШИЛАШ МАҚСАДИДА 23 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ

ҚУЙИДАГИ МАРШРУТЛАР ҲАРАКАТИ ЎЗГАРТИРИЛАДИ.

3, 11, 13, 16-ТРОЛЛЕЙБЎС МАРШРУТЛАРИ — **«Санъат музейи» бекатигача қатнайди.**

8-ТРОЛЛЕЙБУС МАРШРУТИДА **ҳаракат «Вокзал»гача узайтирилади.**

10-ТРОЛЛЕЙБУС МАРШРУТИ **эса «Революция хиёбонидан» Пролетар, Т. Шевченко, Чехов кўчаларидан ўтиб Жуковский кўчасига боради. Сўнгра орқага қайтади.**

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ҳамма турдаги пассажир транспорти ишларини ривожлантириш ва координациялаштириш бўйича бошқармаси.
Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ОБЛАСТИДАГИ ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН

V МАТЕМАТИКА ОЛИМПИАДАСИНИ ЎТКАЗАДИ

Олимпиаданинг I тури 7 январда соат 10.00 да II корпусдаги олий математика кафедрасида (227, 229-аудиторияларда) **ўтказилади.**

ОЛИМПИАДАНИНГ II ТУРИ 10 ЯНВАРДА ЎТКАЗИЛАДИ. ОЛИМПИАДА ҒОЛИБЛАРИ ЕРЛИҚ ВА ҚИММАТБАҲО СОВҒАЛАР БИЛАН ТАҚДИРЛАНАДИЛАР.

Олимпиадада қатнашиш истагини билдирганлар 7 январгача рўйхатдан ўтишлари зарур.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, К. Маркс кўчаси, 32-уй.

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИ

24 декабрь — якшанба куни
соат 9.00 дан 19.00 гача

ИШЛАЙДИ

«ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИГА БАЙРАМ ХАРИДИ УЧУН МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

«ЧИЛОНЗОР» савдо маркази.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЧИЛОНЗОР РАЙПИШЧЕТОРГИ ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАБ БЕРИШ УЧУН

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор массиви, 6-квартал (олдинги «Россия» шаҳарчаси, 6, 11-троллейбуслар ва 32-автобуснинг «Тошкент Советининг 50 йиллиги» кинотеатри» бекати). Телефонлар: 77-67-00, 77-67-04, 77-69-69.

Ўз фарзандлари, неваралари ва жиянларини Янги йил билан табриклашни хоҳлайдиган гражданлар

ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ «СЕРВИС» ФИРМАСИ

УЙГА СОВҒАЛАР ЭЛТИБ БЕРИШ УЧУН ҚОРБОБО ВА ҚОРҚИЗ ХИЗМАТЛАРИНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Чиройли кийинган фирма ходимлари тошкентлик кичкинтойларни Янги йил билан табриклайди ва байрам кайфиятини яратади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30 «а» уй. Телефонлар. 44-63-15, 44-61-45, 44-28-01.

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти гомонидан **Маҳмудова Наиима** номига берилган 875447 номерли йўқолган

ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Давлат маданият институтининг ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари режиссёрлик ва актёрлик маҳорати кафедрасининг катта ўқитувчиси П. Тўраевга онаси

Ҳамро ТЎРАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ўсимлик модда-лари химияси институти коллективи фитотоксикология лабораториясининг мудири А. А. Умарова отаси

Абдулла Умарович УМАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

176-шаҳар ҳунар-техника билим юрти коллективи билим юрти директорининг ўринбосари А. А. Йўлдошевга ўғли

АСҚАРнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

23 ДЕКАБРЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 38-81-42, нашриёт диспетчерн 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р—03830. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д— 1496.